

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА БУЗИБ КЎРСАТИШЛАР ВА ХАТОЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
PhD Н.Хажимуратов

Abstract: Ушбу мақолада молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш жараёнида ҳисобот моддаларидаги бузиб кўрсатишлар ва бошқа фирибгарлик ҳолатлари ёритилган. Тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботларни бузиб кўрсатиш rischi юқори бўлган соҳалар ва уни бартраф этиш йўналишлари тавсия қилинган.

Keywords: Молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси, актив, капитал, мажбурият, даромад, харажат, фирибгарлик, сохталаштириш, аудит, аудитнинг халқаро стандартлари .

КИРИШ

Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил субъектларнинг ташкил топиши жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилишда молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот ахборотларига бўлган қизиқиши ортиб бориши шароитида, унинг ишончилиги ва шаффофлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишда аудитнинг роли ошиб боради. Халқаро стандартларга ўтишда аудитнинг фаолият соҳасини асослаб бериш, шунингдек аудит қилинаётган ташкилот молиявий ҳисоботларининг ишончилиги долзарб масалага айланади.

Хорижий амалиётда мулк эгалари ва давлатни фирибгарликдан ҳимоя қилиш мақсадида фирибгарлик аудити амаллари ва усуллари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Ушбу соҳада назарий изланишларнинг етарли даражада ривож топмаганлиги, фирибгарлик аудити натижаларини шакллантириш концепцияси, технологияси, тартибини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги фирибгарлик аудити учун ахборот-услубий таъминот ишлаб чиқиш масаласини долзарб қилиб қўяди.

PricewaterhouseCoopers (PwC) компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатишича, корпоратив фирибгарлик муаммоси ҳозирги кунда маҳаллий ва хорижий компаниялар учун долзарб аҳамиятга эга. Дунё бўйича ўртача 34 % компаниялар корпоратив фирибгарлик объектлари ҳисобланади [1]. Ташқи аудиторларни жалб қилиш, шунингдек компаниянинг ички бошқарув тизимини ишлаб чиқиш тарихан ушбу муаммога қарши курашда самарали мустақил восита ҳисобланиб келган. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, замонавий шароитда на классик аудит, на корпоратив бошқарув қоидалари мулкдорлар ва давлатни уюшган фирибгарликдан тўлиқ ҳимоя қила олмайди, корпоратив фирибгарликлар олдини олиш ва аниқлашга қаратилган

махсус ёндашувлар ва амалларидан фойдаланадиган аудиторлик фаолиятининг айрим йўналишларини ишлаб чиқиш зарур.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Иқтисодчи олим О.В.Ефимованинг фикрига кўра, бухгалтерия балансини бузиб кўрсатиш қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш;
- хусусий капитал қийматини ошириш;
- мулк таркиби хусусиятлари ва ушбу мулкни ташкил қилиш манбаларини яшириш;
- ташкилотнинг мулкӣ ҳолатини бўрттириб кўрсатиш, масалан, ликвидли активларни ошириб кўрсатиш.

Бухгалтерия ҳисобини онгли равишда ёки билмаган ҳолда бузиб кўрсатишга мажбур қилувчи омиллар рўйхати чексиздир, чунки ҳатто тажрибасиз бухгалтер ҳар қандай баланс маълумотлари бухгалтернинг эҳтиёжларига мувофиқ бузиб кўрсатилиши мумкинлигини билади. Ушбу ҳодиса шу қадар кенг тарқалганки, профессионаллар орасида бу «баланс тузиш» деган умумий номга эга.

Spathis Ch., Doumpos M., Zorounidis M. ларнинг фикрича, молиявий ҳисоботни сохталаштириш асосан активлар, сотиш ва фойда ҳажмини ошириш ҳамда мажбуриятлар, харажат ва зарарларни камайтириш йўли билан амалга оширилади [2].

Khairul Anuar Abd Hadi, Halil Paino, Zubaidah Ismail, Muhammad Haziq Dhiyauddinларнинг фикрича, сохталаштириш турли соҳаларда амалга оширилиши мумкин. Молиявий секторда активлар ва мажбуриятларга доир ахборотларни қамраб олувчи молиявий ҳисоботда ва бошқа ҳужжатларда учраши мумкин [3].

Steven Tomsнинг фикрича, молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва молиявий можароларни учун имкониятлар яратитиши ва чеклашида муҳим роль ўйнайди [4].

Said, J., Alam, M.M., Ramli, M., & Rafidi, M. ларнинг фикрича, фирибгарлик – наф олиш, мажбуриятлардан бўйин товлаш ва молиявий ва номолиявий зарарларни бошқа томонга ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳаракат [5].

Профессор Я.В.Соколовнинг ҳисоблашича, бухгалтерия ҳисоботида хўжалик юритиш фаолиятини идеал даражада аниқ акс эттиришга бухгалтерларни мажбур қилиб бўлмайди. Вазиятни яхши томонга ўзгартириш учун бухгалтерия баланси маълумотларини бузиб кўрсатиш усулларини таснифлашни ишлаб чиқишга эҳтиёж заруратга айланади.

Замонавий адабиётларда кенг қўлланиладиган атамалардан бири бу бухгалтерия баланси маълумотларини «яшириш» ва «сохталаштириш» атамаси ҳисобланади. Ушбу муаммо узоқ вақт давомида олимларнинг эътиборини жалб

қилмаганлиги сабабли, у ҳали ҳам деярли ўрганилмаган. Олимлар ўртасида ушбу тушунчаларнинг мазмуни ва тавсифига оид ягона фикр йўқ.

Бу борада турли талқинларга мисоллар келтирамиз. Масалан, В.В. Ковалёв «яшириш» деганда ҳақиқий ҳолатга мос бўлмаган маълумотни қасддан ёки билмасдан бериш, ташкилот тўғрисида маълумотни унинг учун қулай тарзда тақдим этишни кўзда тутди [6].

И.Ф.Шер ушбу тушунчани кўриб чиқаётганда, баланснинг ишончлилигини ҳуқуқий маънода ва иқтисодий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш кераклигини таъкидлайди, чунки ҳуқуқий маънода ишончлилик ҳар доим иқтисодий ишончлиликнинг кафолати бўлавермайди. Шу сабабли, ҳатто ҳуқуқий маънода ишончли бўлган тақдирда ҳам иқтисодий маънода номувофиқ бўлган баланс «яширилган» баланс деб ҳисобланиши керак [7].

«Яшириш» тушунчаси, бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби меъёрлари билан узил-кесил мувофиқлаштирилиши мумкин эмас, ушбу фикрни энг тарқалган «яшириш» усуллари санаб ўтиш билан асослаб бериш мумкин.

Бизнинг фикримизча, «яшириш» тушунчасининг қуйидаги талқини янада тўғрироқдир - бу корхонанинг ҳақиқий молиявий ҳолатини яшириш учун бухгалтерия ҳисоби методологияси ва молиявий ҳисобот тузиш қоидаларини билмаслик ёки қонунчилик талабларининг устунлиги оқибатида баланс валютасининг қийматига таъсир қилмайдиган алоҳида олинган баланс моддаларининг ишончлилигини қасддан қилинмаган бузиб кўрсатиш усули.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бухгалтерия баланси маълум вақт учун ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги катта ҳажмдаги маълумотларни ўз ичига олган ташкилот иқтисодий ҳаётининг маълум бир ҳолатини акс эттиради. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия балансига киритилиши керак бўлган элементларнинг рўйхати «Молиявий ҳисобот шакллантириш қоидалари» номли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 140-сон буйруғида келтирилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бухгалтерия балансини ташкил қиладиган элементлар актив, капитал, мажбуриятлар, даромад ва харажат ҳисобланади.

Бухгалтерия балансини тузиш «икки ёқлама ёзув»га мувофиқ амалга оширилади. Ушбу тенгламага мувофиқ активлар капитал ва мажбуриятларнинг йиғиндисини ифодалайди. Баланс маълумотлари асосида ташкилот мол-мулкининг умумий қиймати, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар қиймати, бўш пул маблағлари миқдори, капитал қиймати, қарз маблағлари миқдори, узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар миқдори, кредиторлик қарзлари миқдори каби муҳим маълумотларни олиш мумкин. Ўз навбатида, ўтказилган таҳлил натижаларининг ишончлилиги ва ҳисобот давридаги ташкилотлар натижаларининг объективлик даражаси бухгалтерия балансининг ишончлилигига бевосита боғлиқдир.

Бухгалтерия баланси маълумотларини текшириш инвентаризация қилиш, шунингдек, бухгалтерия балансининг ўзаро боғлиқ кўрсаткичлари ва бошқа ҳисобот шаклларининг кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Балансни тайёрлашда техник ва арифметик хатоларга йўл қўймасликка маълум даражада бухгалтерия жараёнини автоматлаштиришга имкон беради. Бухгалтерия балансини тайёрлаш жараёнини автоматлаштириш маълум даражада техник ва арифметик характердаги хатоларни камайтириш ёки олдини олиш имконини беради. Шу туфайли, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини сезиларли даражада ошириш, корхонанинг молиявий ҳолати ва таҳлилини янада мос равишда баҳолаш мумкин.

Бухгалтерия балансида маълумот қанчалик аниқ акс этирилса, унинг асосида амалга ошириладиган корхона фаолияти самарадорлигини баҳолаш шунчалик ишончли бўлади. Унинг маълумотлари нафақат ички фойдаланувчилар учун, балки назорат органлари ва инвесторлар учун ҳам муҳимдир. Айти пайтда инвестицияларни жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бухгалтерия балансининг ишончлилигига таъсир қилувчи бир неча асосий омиллар мавжуд. Бу норматив ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилиш; танланган ҳисоб сифатининг қоидаларига риоя қилиш; баланс тузишдан олдин юқори сифатли тайёргарлик ишлари; бухгалтерия жараёнини автоматлаштириш даражаси; бухгалтерия ходимларининг малака даражасидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда молиявий ҳисоботларни тузишда қонун талабларига риоя қилмаслик, инвестицияларни жалб қилиш учун баланс моддаларини бузиб кўрсатиш ва яшириш ҳолатлари учрайди. Бухгалтерлар орасида энг тарқалган бухгалтерия баланси моддаларини «яшириш» усулларини санаб ўтамиз:

1. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни нотўғри тўлаш орқали баланс моддаларини бошқариш, мажбуриятлари ва активларни қисқартириш. Бунга мисол сифатида ташкилотнинг мол-мулк ва мажбуриятлари нисбати ўзгарадиган дебиторлик ёки кредиторлик қарзларини тўлашни келтириш мумкин. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботларда ушбу хатти-ҳаракатлар қабул қилиниши мумкин эмас, меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта контрагентларнинг қарзларини тўлаш ёки битта контрагентнинг шартномалари бўйича қарзларни бирлаштиришда мажбуриятларнинг миқдори ва муддатлари тўғрисида нотўғри тушунча пайдо бўлади. Шунингдек, ушбу тоифага ҳисоботларда ташкилот мол-мулки ва унинг мажбуриятлари нисбати тўғрисидаги маълумотни нотўғри тақдим этилганлиги ҳам киради. Мажбуриятлар суммаси "бошқа дебиторлар" ва "бошқа кредиторлар" моддалари бўйича барча қолдиқлар қоидаларга мувофиқ эмас, балки сальдолаш йўли билан қисқартирилади. Бундай хатти-ҳаракатлар, агар норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган бундай ҳисобга олиш қоидалари

мавжуд бўлган ҳолатлар истиснолигини олдиндан айтиш мумкин бўлмаса, қоидабузарлик ҳисобланади.

Нотўғри ҳисобга олишга мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни келтириб ўтамиз:

- аксарият корхоналар олинган аванслардан келиб тушадиган ҚҚС миқдорини ҳисобга олиш билан шуғулланмайди. Бунда олинган аванслар бўйича қарздорлик бюджетга ҳисобланган ҚҚСсиз акс эттирилади. Натижада баланс валютасини пасайтириш ҳисобига молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш рўй беради.

Бюджетга ҳисобланган ҚҚСсиз олинган аванслар бўйича қарзни акс эттиришнинг нотўғри томони шундаки, агар мажбуриятлар бажарилмаса, компания харидорга тўлиқ миқдорни, шу жумладан ҚҚСни қайтаради.

Шу сабабли олинган аванслар бўйича қарздорликни тўғри акс эттириш учун ҚҚСни ҳисобга олиш керак, бунда ҚҚС миқдори «Жорий активлар» каторида кўрсатилган бўлиши лозим. Кўпинча, 4410-счёт бўйича сальдо тўлиқ акс эттирилмайди, аналитик счетларда эса қолдиқлар бўлган кўплаб контрагентлар мавжуд.

Шунга ўхшаш тез-тез, счетларда ҳеч қандай ҳисобга олишлар ўтказилмаганлиги сабабли счет бўйича сальдо ҳаддан ташқари ошириб юборилади. Яъни, бажарилган ишлар учун олинган пул улар учун тўлов сифатида эмас, балки олинган аванс сифатида акс этганда, ўзига хос хато юзага келади. Шунингдек, балансда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошириб кўрсатилади.

Кўпинча, 4800 ва 6900-счотлар билан ишлашда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобга олиш нотўғри амалга оширилади. “Бошқа дебиторлар” ва “Бошқа кредиторлар” моддалари таркибидаги хилма-хиллик жуда катта эканлигини ҳисобга олиш керак. 4800 ва 6900-счотлардаги маълумотларни шарҳлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бунинг сабаби, унинг таркибидаги турли хил активлар ва пассивлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиши билан боғлиқ. Қарздорликнинг катта миқдорлари йил учун ҳисоботга тушунтириш хати билан киритилиши керак. Ушбу қарздорлик пайдо бўлганининг сабаби ва вақтини кўрсатиш талаб қилинади.

2) Бухгалтерия балансининг "Ўтган йилнинг 31 декабр ҳолатига" ва "Ўтган йилдан олдинги йилнинг 31 декабр ҳолатига" графалари ўтган йил ва ўтган йилдан олдинги йил учун баланс кўрсаткичлари билан номувофиқлиги;

3) энг кенг тарқалган хато сифатида жорий ва кейинги ҳисоботларда 31 декабрь ҳолатига маълумотларнинг мувофиқ келмаслигини айтиб ўтиш мумкин. Бу олдинги давр ҳисоботида аниқланган хатолар жорий ҳисобот даврида эмас, балки ўтган давр ҳисоботларида тузатилишини англатади.

4) тартибга солувчи суммаларни киритмаслик. Шунинг эса тутиш керакки, баланс маълумотлари нетто-баҳолашда, тартибга солувчи суммаларни ҳисобга олмасдан рақамли кўрсаткичлардан иборат бўлиши керак. Хусусан,

амортизация ажратмаларидан ташқари, тартибга солувчи суммалар сифатида қуйидагилар тан олинади:

- моддий бойликлар қийматини пасайтириш мақсадлари учун яратиладиган;
- инфляция таъсири остида молиявий инвестициялар қийматини пасайтиришда;
- шубҳали қарзлар бўйича.

Шу сабабли молиявий инвестициялар, моддий-ишлаб чиқариш захиралари ва дебиторлик қарзлари ҳақида ахборот мос келувчи захира қийматини чиқариб ташлаган ҳолда тақдим этилиши лозим.

5) «юклар жўнатиш»да ҳисобга олинмаган «Олинган» аванслар. Кўпинча бухгалтер шартнома бўйича мажбуриятни бажариш пайтида контрагент (шартнома, етказиб бериш) бўйича аванс тўловларини ёпмайди. Бу эса шунга олиб келадики, ҳисобот санасида аванслар бўйича қарздорлик бажарилган шартнома мажбуриятлари бўйича қарзлар билан бир вақтда ҳисобга олинади. Молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш бу ҳолатда баланс валютасини жиддий ошириб кўрсатишда ифодаланади.

6) Балансга даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик ёки кредиторлик қарзларини киритиш. Бундай қарздорлик ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳисобдан чиқарилиши (корхона директорининг буйруқлари (фармойишлари), ёзма асослар инвентаризацияси маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади) ва шубҳали қарзлар бўйича захиралар сметида ҳисобга олиниши лозим ёки, тижорат корхоналари билан боғлиқ ҳолатда, молиявий натижалар беш йил давомида балансдан ташқари счетларда ҳисобга олинади.

7) Молиявий инвестициялар таркибида фоизсиз қарзларни акс эттириш. Агар фоизсиз қарзлар молиявий қўйилмалар таркибига кирадиган бўлса, демак, ҳисоботда хато бор. Бундай қарзлар молиявий инвестициялар хусусиятларига эга эмас, активларни тан олиш мезонларига жавоб бермайди, хусусан, қарз берувчига келажакда фойда келтиришга қодир эмас (кредитор қарздорга берган миқдорга айнан тенг миқдорда олади).

Корхона учун келажакдаги даромадлилик активни молиявий инвестиция сифатида акс эттиришнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу сабабга кўра дебиторлик қарзлари таркибига берилган фоизсиз қарзлар ҳам киритилади.

Берилган фоизсиз ссудани акс эттириш учун 6800-сонли "Турли кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" смети ва алоҳида счет, масалан, "Берилган фоизсиз қарзлар" дан фойдаланиш керак.

8) Бухгалтерия балансида унинг моддалари бўйича ҳисоб маълумотларини нотўғри тақдим этиш. Шу тарзда муддати ўтказиб юборилган векселлар бўйича маълумотлар акс эттирилади. Агар вексель бўйича тўлов муддати келган бўлса, вексель бўйича қарз миқдори корхонанинг дебиторлик қарзлари таркибига киради. Бу вексел эгаси белгиланган тўлов санасидан кейин даромад ололмаслиги билан асосланади. Ушбу санадан сўнг, эгаси қарзни ундириш ва жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон амалиётида “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” номли 5910-сон счєтининг дебети қолдиғи кўпинча корхоналарнинг бошқа активлари билан биргаликда акс эттирилади.

Аммо бу счєтда сальдо мавжудлиғи аниқланган камомадларнинг сабабларига боғлиқ.

Бу камомадларни қоплаш манбалари сифатида қуйидаги счєтлар иштирок этиши мумкин:

- 2010- «Асосий ишлаб чиқариш»,
- 2310- «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;
- 4730-«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»;
- 9430 «Бошқа операцион харажатлар».

Шу сабабли камомаднинг айбдорлари маълум бўлса, бухгалтерия балансида айбдорларнинг дебиторлик қарзлари акс эттирилади. Агар айбдорларни аниқлашнинг имкони бўлмаса, унда бу камомадлар Ўзбекистон амалиётида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счєтида акс эттирилиши керак.

8) молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувида балансдан ташқари активлар ва мажбуриятлар бўйича маълумотларнинг изоҳи йўқлиғи ва комиссия учун қабул қилинган товарлар, ижарага олинган асосий воситалар бўйича балансдан ташқари счєтлар ҳақида маълумотлар акс этмаслиғи.

9) Хорижий валютада ифодаланган баланс моддалари нотўғри акс эттирилиши (жорий счєтлар бўйича қолдиқларни қайта баҳолашда нотўғри курсдан фойдаланиш, валютада берилган авансларни қайта баҳолаш ва б.)

10) Кейинчалик дастлабки модданинг олинган қисмларини дастлабки модданинг миқдорини кичрайтириш учун бошқа моддалар билан бирлаштириш мумкин бўлиши учун ҳисобот моддаларининг тақсимланиши. Кўпинча, ушбу усул белгиланган лимитдан ошиб кетганда ҳисобот санасида кассада қолдиқни камайтириш керак бўлган ҳолларда қўлланилади. Модданинг қисмлари баланс активларининг, уларнинг миқдори ўзгариши ташкилотнинг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилмайдиган бир ёки бир нечта моддалари таркибига киради, масалан 4200-сонли "Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" счєти. Кассадаги пул маблағлари миқдори бўйича белгиланган меъёрларни бузмаслик учун, лимитдан юқори бўлган барча маблағлар ҳисобот бўйича берилган миқдор сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Агар ушбу суммаларнинг қиймати аҳамиятли бўлса, унда бу бухгалтерия баланси маълумотларини сезиларли даражада бузиб кўрсатади. Ҳисобдор шахсларнинг қарздорлигини ўсишини яшириш учун, у қарзни бошқа турларига қўшиш ва бўлиш билан ниқобланади.

11) Битта моддада келиб чиқиши турли хил бўлган бир неча миқдорни бирлаштириш. Мисол сифатида, дебиторлик қарзларига харидорларнинг қарзлари билан боғлиқ бўлмаган, аммо уларнинг ҳажмини камайтириш истагида бўлган модда билан келадиган қарзларни қўшиш мумкин. Амалиёт

шунини кўрсатадики, ушбу ҳисобларда акс этирилган суммаларни қайтариш эҳтимоли кам. Агар ушбу турдаги ҳаракатлар борасида шубҳалар бўлса, дебиторлик қарздорлик ҳажми ва структурасига, қарзнинг бошқа турларига тааллуқли дебиторлик қарздорлик суммасининг мавжудлигини баҳолашда алоҳида эътибор бериш керак. Агар бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар суммаси аҳамиятли бўлса, унда уларнинг хусусиятини аниқлаш керак, чунки улар қайтариб берилиши мумкин бўлмаган суммаларни яшириши мумкин.

12) Молиявий ҳисобот сегментлари бўйича кўрсаткичларни бошқариш, молиявий ҳисоботда келтирилган фаолият сегментларини таҳрирлаш. Маълумотларни ошқор қилиш фойдаланувчиларни раҳбарият учун тайёрланган маълумотларни тақдим этишга қаратилган. Ушбу маълумотларга мувофиқ, ташкилотда бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ушбу маълумотлар тармоқнинг ўзига хос фаолиятини, шунингдек, ташкилотнинг хўжалик структурасини, шунингдек фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича молиявий кўрсаткичларни тақсимлашни баҳолашга имкон беради. Шунингдек, бу фойдаланувчиларга корхонани ривожлантириш мантиғини яхшироқ тушуниш, корхона ва географик минтақаларнинг ҳар бир асосий фаолияти учун муҳим кўрсаткичларни (даромадлар, харажатлар, активлар ва мажбуриятлар) таҳлил қилиш, корхонанинг ўзига хос риск ва даромадларини баҳолаш имкониятини беради. Шу билан бирга, сегментлар тўғрисида маълумотларнинг ошқор қилиниши корхонанинг рақобат позициясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки рақобатчилар, харидорлар, етказиб берувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар ушбу бизнес ҳақида батафсил маълумот олишлари мумкин.

Илгари ташқи фойдаланувчилар учун ёпиқ бўлган маълумотларга кириш ҳисоботларнинг шаффофлигини оширишга ёрдам бериши керак. Бошқарув ҳисоботларини тузиш эркинлиги ва тизимли ёндашувнинг йўқлиги молиявий ҳисоботлар ва ҳисобот сегментлари маълумотларидаги номувофиқликлар ёки ҳатто қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариши мумкинлиги, шунингдек ҳар хил контрагентларнинг маълумотлари номутаносиб бўлишига олиб келиши мумкинлигини эътибордан четда қолдириш керак эмас. Бундан ташқари, менежментнинг қизиқиши туфайли сегментлар тўғрисидаги маълумот янада қулай натижаларни акс эттирувчи қулай кўринишда тақдим этилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ҳисобот фойдаланувчисини чалғитади ва ахборотнинг фойдалилиги ва шаффофлигини пасайтиради.


13) Кўзланган мақсадларга боғлиқ ҳолда мажбуриятларни амалда акс эттириш, улар шартли ҳисобланади, чунки шартли мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобида тан олинмайди, шу билан ҳисобот бузиб кўрсатилади. Улар ҳақида маълумотлар иқтисодий фойда пасайиши эҳтимоли мавжуд бўлганда бухгалтерия ҳисоботида очиқ берилади.

14) Ташкилот фаолиятига таъсир қилиш қобилиятига эга бўлган шахсларнинг ҳисоб маълумотларини яшириш. Боғлиқ томонлар билан битимлар тузиш орқали ҳисобот кўрсаткичини бошқариш (манипуляция

қилиш). Компанияларни фойда билан сотиб олиш (яъни, ушбу компанияларнинг соф активларининг қийматидан арзонроқ) ёки уларни зарар билан сотиш кенг тарқалган амалиёт ҳисобланади. Мантиқ нуқтаи назаридан, оддий шароитларда ҳеч қандай оқилона раҳбар бундай келишувни амалга оширмайди. Бироқ, бундай битимлар кўпинча икки компания - сотувчи ва харидор томонидан эмас, балки ўзаро боғлиқ компанияларнинг икки гуруҳи томонидан амалга оширилатганлиги сабабли, бундай вазиятлар бўлиши мумкин.

15) бухгалтерия ҳисоботи маълумотларини яхши томонга ўзгартириш учун қўшиб олиш ва бирлаштириш шаклида қайта ташкил қилишдан фойдаланиш.

Молиявий ҳисобот маълумотларини яшириш усуллари 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Молиявий ҳисобот маълумотларини яшириш усуллари¹

Соختалаштиришнинг таърифига ҳар қандай қонун нормалари ва қоидаларига риоя қилинмаслик киради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳисоботни тузиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилган тақдирда ҳисобот ҳолисона тузилган деб ҳисобланади. Бундан ташқари, агар уни шакллантириш жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар ва қоидалар бузилган бўлса, фойдаланувчиларнинг нуқтаи назари бўйича ҳисоботлар аниқ ва объектив бўлишига қарамай, бундай ҳисобот соختалаштирилган деб ҳисобланади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, мулкни аниқроқ баҳолашда молиявий натижани акс эттириш аниқлиги пасаяди. Бундан ташқари, молиявий натижанинг бузиб кўрсатилиши, агар у юқори инфляция шароитида юз берса, оддий қайта баҳолашда ҳам пайдо бўлади. Шундай қилиб, ҳар қандай ҳисобот бузиб кўрсатилиши мумкин.

Замонавий илмий нашрларда бухгалтерия баланси маълумотларини "сохталаштириш" тушунчасини таърифлашда умумий фикр йўқ. Масалан, В.В.Овчинцев балансни сохталаштириш деганда ўзаро боғлиқ ёзувлар орқали балансинг алоҳида моддалари, унинг валютасини қасддан бузишни тушунади [8].

Я.В.Соколов «сохталаштириш» тушунчасини бухгалтерия баланси тузишда бухгалтерия ҳисоби нормативларини бузиш сифатида талқин қилинади [9]. Фикримизча, ушбу талқин жуда соддалаштирилган бўлиб, унга кўшилмасликнинг имкони йўқ.

Энг мақбул таъриф сифатида биз қуйидагиларни таклиф қилишимиз мумкин: молиявий натижани ёки активларни ортиқча баҳолаш учун, шунингдек, ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилиш, алоҳида ҳолларда молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинадиган қарорга таъсир қилиш мақсадида рентабеллик даражасини ошириш учун ушбу баланс маълумотларини қасддан нотўғри тақдим этиш услубияти.

Юқорида айтиб ўтилган таъриф доирасида энг кўп қўлланиладиган сохталаштириш усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин, чунончи:

1). Балансинг алоҳида моддаларини нотўғри баҳолаш (активлар ёки мажбуриятларни нотўғри баҳолаш), масалан:

а) дебиторлик қарзлари. Дебиторлик қарзлари миқдори умидсиз қарзлар миқдорини минималлаштириш ҳисобига ортади. Шу тариқа шубҳали қарзлар бўйича захира кичраяди, бу эса, ўз навбатида, фойданинг ортишига олиб келади.

б) захиралар. Захиралар натурал кўрсаткичлари, захираларнинг ҳисоб нархлари оширилади ёки захираларни ҳисобдан чиқариш кечиктирилади.

в) молиявий қўйилмалар. Ташкилот ҳисоб тизимида қимматли қоғозларни нотўғри баҳолаш амалга оширилади.

г) кредиторлик қарзлари. Кредиторлик қарзлари миқдорини пасайтириш амалга оширилади. Табиийки, бу маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келади, бу эса, ўз навбатида, ташкилот фойдаси оширилишини англатади.

д) солиқ мажбуриятлари. Жорий солиқ мажбуриятларининг ташкилот оладиган фойда у бўйича солиққа тортиладиган кечиктирилган мажбуриятларга нисбатига тенг бўлган самарали ставкани пасайтириш амалга оширилади.

е) ҳисобланган харажатлар. Ҳисобланган харажатлар – тан олинган ёки ҳисобланган, лекин тўланмаган харажатлар. Тўланмаган сумма баланс пасивида акс эттирилади. Харажатлар охиригача ҳисобланмаган ҳолатларда келажакдаги фойда нормал харажатлар даражасидан катта бўлади.

Шундай қилиб, активлар қийматини ошириб кўрсатиш ва мажбуриятлар қийматини пасайтириб баҳолаш фойда миқдорини муайян даражада ўзгартиришга имкон беради, шунинг учун капитал қиймати хаддан ташқари ошириб юборилади. Шунингдек, мажбуриятларни баҳолашни кўпайтириш орқали фойдани пасайтириб кўрсатиш мумкин, лекин агар фойдани тўлиқ яшириш керак бўлса, маълумотлар шу тарзда ўзгарадики, ҳисоботдан ташкилот йўқотишларга эга эканлиги келиб чиқади. Аслида, ташкилот фойдага эга, зарарлар эса қуйидагича сохталаштирилади.

- захиралардан нотўғри фойдаланиш;
- баҳолаш маълумотларини (фойдали фойдаланиш муддатини) кичрайтириш (ошириш);
- ҳисобдан чиқарилиши лозим (ликвидсиз ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарлар, тўлов муддати етиб келган дебиторлик қарзлари ва ҳ.к.);
- керакли натижага эга бўлиш учун асосий воситалар ёки бошқа активлар қийматини баҳолашнинг реал маълумотларини ўзгартириш.

Ахборот берувчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- агар ташкилот ҳисоботида фойда ва даромадлилик ўсиши акс эттирилган, лекин манфий операцион пул оқимлари мавжуд;
- ташкилот маҳсулотига талабнинг кучли пасайиши ва рақобатчилар фаолияти ҳисобига бозордаги позицияларни йўқотиш;
- активлар қиймати, шунингдек, тушумлар ва харажатлар миқдори субъектив фикрлар ёки мураккаб асослашлар бўйича тақсимланади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш корхонанинг мулкий ҳолатини нотўғри талқин қилиш усули сифатида фойдаланилиши мумкин. Махсус коэффициентлар туфайли маънавий эскирган ускуналарнинг бошланғич қийматини шундай ошириш мумкинки, бу ҳозирги вақтда энг илғор моделларнинг қийматидан бир неча баравар юқори бўлади. Худди шу таъсирга бозор қийматини қайта тиклаш қиймати сифатида қўллаш орқали эришиш мумкин. Шунга асосланиб айтишимиз мумкинки, корхоналар мулкларининг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш оммавий характерга эга.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиётига мувофиқ захиралар бухгалтерия балансида иккита кўрсаткичнинг энг кичиги бўйича баҳоланади: харид нархи ёки жорий қиймат (очиқ бозорда сотиш натижасида олинishi мумкин бўлган миқдор). Агар сотиб олиш нархи сотиш нархидан юқори бўлса, ташкилотлардан фарқни жорий давр харажатларига киритиш талаб қилинади. Буни амалга оширмасдан, ташкилот ҳисобот даврида ва баланс валютасида даромадларни тўлдириш имкониятига эга бўлади.

2). Асосий воситаларни қайта баҳолаш ташкилотнинг эҳтиёжларига боғлиқ равишда, ўсишни ҳам, пасайишини ҳам кўзлаган ҳолда амалга оширилиши мумкин - агар мол-мулкни гаров сифатида тақдим этиш зарур бўлса, унинг қиймати одатда оширилади ва агар мақсад солиқ базасини

ўзгартириш бўлса, қайта баҳолаш туфайли улар асосий воситалар қийматини камайтиради.

3). Баланс тузишда унинг таркибига у ёки бу суммалар киритилади. Харажатлар балансга тушмайдиган, ҳисобот даврига алоқадор бўлган, лекин уларнинг тўловлари келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатларни ажратиб кўрсатиш лозим. Маълумотларни бундай бузиб кўрсатишга мисол тариқасида сотиладиган маҳсулот таннархига ўтказиш ҳисобига молиявий натижани камайтиришни келтириш мумкин.

Маълумотларни бузиб кўрсатишнинг ушбу усулидан кенг фойдаланиш узоқ муддатли ва жорий активлар каби моддий бойликларни сотиб олиш билан боғлиқ. Амалиётда машиналар ва асбоб-ускуналардан тортиб, бино ва иншоотларгача бўлган, ҳисобга қўйилмаган қимматбаҳо объектлар билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳам учраб туради. Ушбу амалиёт бундай қоидабузарлик аниқланган ҳолатда жарима миқдори мулкни ўз вақтида ҳисобга қўйишда ташкилот тўлайдиган солиқ миқдоридан анча паст бўлган ҳолларда ўринга эга бўлади.

Бундай операциянинг натижаси – харажатлар ҳисобот даврида тан олинганидаги каби кредиторлик қарзлари пасайтириб кўрсатилганда молиявий натижани ошириб кўрсатиш ҳисобланади, чунки бу ташкилотнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари пайдо бўлишига олиб келади;

4). Агар балансга бюджетни тақсимлаш моддалари, чунончи, “Келгуси давр харажатлари” қатори киритилмаса, бу тақсимланмаган даромадни қисқартириш ва айланма активлар таркибида сотиш қийин бўлган қисмни камайтиришга имкон беради. Бунда ушбу харажатлар ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш таннархига киритилади, бу, биринчидан, молиявий натижалар ҳажмини қисқартириш, иккинчидан, жорий активлар таркибида сотилиши қийин бўлган активларнинг улушини камайтириш имконини беради.

5). Баланс активларини ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган ёки ҳисобдан чиқарилган суммалар билан тўлдириш, масалан, активларга ноликвид товарлар, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган товарлар киритилади. Бунга мисол қилиб электр иситгичларни ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш корхонасини келтириш мумкин. Иситгичларнинг моделларидан бирининг камчиликлари ёнғиндан ҳимоя қилиш даражасининг пастлигидир. Ушбу моделни сотиш тақиқлаб қўйилди, лекин корхонанинг балансида ушбу маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар деб ҳисобланиб келинмоқда.

Дебиторлик қарзларини бузиб кўрсатиш учун қўлланадиган асосий усул уни мавжуд бўлмаган қарзлар ёки қайтариб бўлмайдиган қарзлар билан тўлдиришдир. Товарларни сохта харидорларга сотиш орқали дебиторлик қарзларини ошириш мумкин, бундай усулда товарлар ҳаракати бўлмайди, лекин тушум кўпаяди. Сохта дебиторлик қарзларини акс эттириш кўпинча ҳисобот даврининг охирида рўй беради, чунки бу суммаларнинг балансга тушиши узоқ вақтга қарздорликни ҳисобдан чиқаришга ёки шубҳали қарзлар бўйича захиралар яратилишига олиб келади. Дебиторлик қарзлари билан

бундай ҳаракатларни аудиторлик текширувларидан яшириш учун қарздорларнинг мавжуд бўлмаган ёки сохта манзиллари қўлланади.

6). Балансни ижарага олинган ёки сақлашда бўлган мулк билан тўлдириш. Узоқ муддатли активлар қийматини ошириб кўрсатишнинг энг осон усули мавжуд бўлмаган активларни ҳисобга олиш ҳисобланади. Бу ўз капитали ва валюта қолдиғи миқдорини бузиб кўрсатишга имкон беради. Бунинг учун мавжуд бўлмаган мулк учун ҳужжатлардан фойдаланилади ёки ундан мураккаб усул қўлланилади - ташкилот аудит текшируви ўтказиш муддатига активларни ижарага олади, бунда аудиторларга мулк бошқа ташкилотга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот берилмайди.

7. Корхонани сохта банкрот деб тан олиш мақсадида кредиторлик мажбуриятлари таъминланганлиги ҳақида ахборотни бузиб кўрсатиш учун баланс валютаси билан манипуляциялар. Ёки бунга тескари вазият – корхона, банкрот бўлгани ҳолда, ўзининг молиявий ночорлигини яшириш учун баланс валютасини ошириб кўрсатади.

8). Ноқонуний банкротлик учун фойдаланиладиган компанияни банкрот деб эълон қилиш тўғрисида сохта мажбуриятни яратиш.

Молиявий ҳисобот маълумотларини сохталаштиришнинг кўриниши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Молиявий ҳисобот маълумотларини сохталаштириш усуллари¹

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Балансни сохталаштириш қандай шаклда бўлмасин, у фирибгарлик ҳолати ҳисобланади.

Ушбу муаммони кўриб чиқишда шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий жиноятларни аниқлашда сохталаштирилмаган ҳисобот ҳам қўлланилади, унинг мазмуни бухгалтерия маълумотлари билан тўлиқ мос келади, бу эса бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатлари билан тасдиқланади. Бошқача қилиб айтганда, ташкилотнинг ҳисоботида бундай ҳуқуқбузарлик белгилари акс эттирилиши мумкин, аммо уларга иқтисодий кўрсаткичларни қасддан бузиб кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Қоидабузарликларни кўриб чиқишда, одатда жавобгар шахсларнинг тил бириктириши натижасида содир этилган тўғридан-тўғри сохталаштириш ҳолатлари атайин ҳисобга олинмади. Бу ерда инвентаризация маълумотларини сохталаштириш кўзда тутилади. Ҳисоботларни тўғрилашнинг нисбатан оғир бўлмаган усулларини кўриб чиқишда уларнинг молиявий натижаларни бузиб кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш ва ташкилотнинг мулкӣ ҳолати тўғрисида ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг таассуроти шаклланишига таъсир кўрсатишда уларнинг кенг имкониятлари таъкидланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Молиявий ҳисобот ҳаққонийлиги ва ишончлилигини баҳолаш муаммолари борасида ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса чиқариш мумкинки, бозор муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш шароитларида хорижий инвесторларнинг маҳаллий бозорга ва мос равишда, ташкилотларнинг молиявий ҳолати ҳақида ҳисоботлар ишончлилигига қизиқиши ортади

Ушбу тадқиқотнинг мақсади, бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг эътиборини молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш rischi юқори бўлган соҳаларга жалб қилиш ва молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тақдим этилган молиявий ҳолат ва молиявий натижалардаги мумкин бўлган бузиб кўрсатишларни аниқлаш усулларини ўрганиш ҳисобланади. Амалӣ мисоллар асосан акциядорлик жамиятлари томонидан тайёрланган йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга асосланади.

Биз молиявий ҳисоботлардаги бузиб кўрсатишларни, шунингдек молиявий ҳолат ва молиявий натижаларнинг потенциал бузилишларини аниқлаш учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун мавжуд бўлган усулларни кўриб чиқдик. Бунинг учун биз активларни ортикча баҳолашга ёки мажбуриятларни кам баҳолашга олиб келадиган вазиятларни таҳлил қилдик.

Тавсия этилган усуллар молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг эътиборини юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга жалб қилишга қаратилган ва олинган маълумотларни кейинги текшириш учун бошланғич нуқта сифатида хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- [1] Официальный сайт PricewaterhouseCoopers. URL: <http://www.pwc.ru/>.
- [2] Spathis Ch., Doumpos M., Zopounidis M. Detecting falsified financial statements: a comparative study using multicriteria analyses and multivariate statistical techniques. // *The European Accounting Review*. 2002, 11:3, 509-535
- [3] Khairul Anuar Abd Hadi, Halil Paino, Zubaidah Ismail, Muhammad Haziq Dhiyauddin. Forgery in the making of audit report: the liabilities and breach of professional duties. // *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 145 (2014) 110 – 115
- [4] Steven Toms. Financial scandals: a historical overview. // *Journal Accounting and Business Research*. Volume 49, 2019 - Issue 5.
- [5] Said, J., Alam, M.M., Ramli, M., & Rafidi, M. Integrating ethical values into fraud triangle theory in assessing employee fraud: Evidence from the Malaysian banking industry. *Journal of International Studies*, 10(2), 170-184. doi:10.14254/2071-8330.2017/10-2/13
- [6] Ковалев В.В. Как читать баланс / В.В. Ковалев, В.В. Патров. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 287 с. 69-бетдан
- [7] Шер И.Ф. Бухгалтерия и баланс. – М.: Экономическая жизнь, 1925. – с. 293. 384-бет
- [8] Овчинцев В.В. Способы фальсификации бухгалтерских балансов и методы их выявления / В.В. Овчинцев // Сборник научных работ аспирантов и студентов ВАГС: сб. научных трудов. – Вып. 3 – Волгоград: Изд-во ВАГС, 2001. – с. 252-262. 259-бет
- [9] Соколов Я.В. Классификация ошибок в аудите. – Бухгалтерский учет, № 3, 1998 г., с. 23.